



ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ ҚУМҚЎРҒОНДА ҚУЛОЧ ЁЗМОҚДА



Миллий қадриятлар — миллат юзи, қалб шууридир. Воҳамиз қадриятлар бешиги саналади. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхандарёга ташрифи чоғида қорабайирчилик, дўмбира, дўппи каби миллий қадриятларимизни

ривожлантириш борасида алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.



Қумқўрғон тумани 2-сектор ҳудуди 39-умумтаълим мактабида “ Миллий қадриятларимиз фарзандларимиз қалбида эъзозда” шиори остида катта маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.



Тадбирда тумандаги 82 та умумтаълим мактаби жамоаси томонидан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўзида мужассам этган кўргазмали бурчаклар ташкил этилиб, ташаббус доирасида миллий кийимда дўппи кийган ўғил-қизлар томонидан дўмбира садолари остида турли чиқишлар намойиши бўлиб ўтди. Юқори савияда ўтказилган тадбирда туман ҳокими Р.Гаппаров ва сектор раҳбарлари қатнашдилар.







